

## ТОШПЎЛАТ АҲМАД ПУБЛИЦИСТ ВА ДРАМАТУРГ\*

Истеъдодли шоир, Бухоронинг асл фарзанди, адиб, журналист, публицист Тошпўлат Аҳмад адабиётимизнинг турли жанрларида қалам тебратди. Шеърлар, дostonлар, қасидалар, очерклар, эссе, публицистик асарлар, манзумалар, мактублар шоир ижодий меросини безаб турибди.

Тошпўлат Аҳмад забардаст шоир сифатидагина эмас, қарийб қирқ йилга яқин Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилояти раҳбари, Бухоройи шариф ижтимоий-маданий ҳаётида ўз ўрнига эга заҳматкаш журналист ва публицист, жамоат арбоби сифатида ҳам ном қозонди. Тошпўлат Аҳмад Бухорода ўтказилган адабий-бадиий тадбирлар, адабий учрашувларга бошқош бўлиб келди, қанчадан-қанча йирик, таниқли шоирлар, ёзувчилар билан учрашувлар унинг иштирокисиз ўтмаган. Айниқса, “Бухоро ҳақиқати” газетасида фаолият кўрсатган йилларида шоирнинг севимли мавзуларидан бири ҳарбий ватанпарварлик мавзуси бўлди. У турли тақдирлар ортидан шаҳар ва қишлоқларни кезди, Одесса, Севастополь, Брест каби қаҳрамон шаҳарларда бўлди. Бу ҳақда адибнинг ўзи шундай ёзган эди: “Турли мураккаб тақдирлар ортидан қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар кездим. Сўнгрок қаҳрамон шаҳарларда бўлиб, бухоролик уруш фидойиларининг жасоратлари тарихини ўргандим. Айримларининг бегона юртларда қолиб кетган қабрларини зиёрат қилиб, ҳамон изтироб чекиб юрган ота-оналари, қариндош-уруғларига матбуот орқали хабар етказдим...Яхши кўриб, авайлаб юрадиганим- садоқат!”<sup>1</sup>.

Бу мавзуда Т.Аҳмад юздан ортиқ очерклар, воқеий ҳикоялар, эсселар, публицистик манзумалар ёзди. Уларнинг аксарияти “Қасам ва қасос”, “Ўғлингман, ҳаёт”, “Қалбнинг оппоқ дафтари”, “Бухоро юлдузи”, “Очиқ эшик” сингари “Бухоронинг иссиқ меҳри қоришиқлигида” яратилган насрий,

\*Ушбу мақола профессор Ш.Аҳмедова билан ҳамкорликда ёзилди. – 414-

---

<sup>1</sup> Тошпўлат Аҳмад. Излаганим сенсан, она-Бухоро! Бухоро, 2007.78-бет.

публицистик асарларига киритилган. Публицистик – очерк, эссе, воқеий, тарихий ҳужжатларга асосланган асарлар ёзиш шоирнинг лирикасига ҳам таъсир кўрсатди. XX асрнинг 70-80 йилларида унинг шеъриятида лиро-публицистик оҳанг кучайиб борди.

Шоирнинг ўзи журналистлик фаолияти билан кўп шуғуллангани, бу соҳа унинг кўп вақтини олганидан ўкинмайди. Журналистика туфайли ҳаётни, одамларни яхши ўрганганлигини эътироф этади. “Бухоро юлдузи” деган ҳужжатли қисса, бир қатор китоблар бу фаолиятнинг самараси ҳисобланади. Шофиркон тумани газетасидан публицистик фаолиятини бошлаган Т.Аҳмад, “Бухоро ҳақиқати” газетасининг муҳбири сифатида ҳам иш олиб борди, газета саҳифаларида унинг шеърлари билан бирга публицистик асарлари тез-тез чоп этила бошланди. Жўшқин ижодий даргоҳга айланган газета таҳририятидаги Жамол Камол, Мурод Халил, Муҳаммад Салом, А.Баҳромов, П.Фаттоҳов, Э.Бобомуродов каби қалами чархланган ижодкорлар билан бирга ишлаш унинг адабий, шу билан бирга публицистик ижодига, журналистлик фаолиятига чуқур таъсир кўрсатди. 1993 йил “Бухоро ҳақиқати” газетасига бош муҳаррир бўлиб ишга ўтгандан кейин унинг журналистлик, публицистик фаолияти янада кенгайди. Шоир Бухорои шарифда адабий ҳаракатчиликни кенг йўлга қўйди. Ёзувчилар уюшмаси аъзолари сонини 2тадан 30тага етказишга муваффақ бўлди. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими”, “Меҳнат шуҳрати” ордени, қатор медаллар ана шу машаққатли меҳнатнинг эвазига келгани сир эмас.

Истиқлол йилларида Тошпўлат Аҳмад ижоди серқирралашиб борди. Вилоят тарихида илк бор “Бухоро мавжлари” деб номланган адабий-бадиий, ижтимоий-маданий журналга асос солишда бош-қош бўлди. Журнал саҳифаларини варақласангиз, Тошпўлат Аҳмадни нафақат шоир, публицист, журналист, балки Бухоро тарихининг билимдони, жонкуяри сифатида кўрасиз. Чунки унинг бутун фаолияти Бухоро билан боғлиқ. -415-

Ўзбекистон халқ шоири А.Орипов бежизга шоирни “уйғоқ руҳлар, тош битиклар куйчиси” деб атамаган.

*Бухорога кирар бўлсанг, этигингни ечиб кир,*

*Хаёлларинг шаффоф этиб, юрагингни очиб кир.*

*Ҳар гардини кўзга суртиб, соф тилагинг очиб кир,*

*Улуғларнинг руҳи сендан то абад рози бўлсин!*

Кўхна шахрини бир умр ёниб куйлаган шоир “Бухоро мавжлари”да бухоролик мархум ижодкорлар ҳақида кўплаб хотиралар, уларнинг чоп этилмай қолган асарларидан намуналар чоп эттирди. Улар ҳақидаги маълумотларни излаб, топиб нашрга тайёрлашнинг ўзи бўлмайди, албатта. Масалан, мархум боғбон шоир Шариф Нурхоннинг шеърларини тўплаб, уни нашрга тайёрлаб, “Мендан салом айтипг” номи билан нашр этиришга муваффақ бўлган эди.

Тошпўлат Аҳмедов драма жанрида ҳам қаламини синаб кўрди. Истиқлол йилларида ёзилган драмалари фикримизга мисол бўла олади. Тошпўлат Аҳмад қаламига мансуб бўлган “Қоялар ҳам қулайди” деб номланган драма сахна юзини кўрди.

Драмада XX асрнинг охири шўро даври сиёсатининг яқун топаётган бир даври воқеалари тасвирланади. Оддий қишлоқ одамларининг ҳаёти, уларнинг ички кечинмалари, содда, дўлвор инсонларнинг ёлғон ҳақиқатлар рўпарасида ҳам ўзлигини йўқотмай тик туришлари тасвирланади, шу билан бирга ҳаром лўқмага ўрганган, ҳаётни пулу мол дунёдан иборат деб билган мансабдорларнинг қиёфаси ҳам фош этилади.

Драматург шўро даврида ҳар бир қишлоқда, ҳар бир колхозда юз берган ҳаётий воқеаларни қаламга олган. Ҳақиқатан ҳам раиснинг тўғри бўладими, нотўғри бўладими гапи гап, мансабдорларнинг

“ёндирадурғон ҳам, куйдирадурғон ҳам ўзим” деб халқнинг хаёти, дарду аламларини бир чақага ҳам олмайдиганлар даври бошимиздан ўтгани рост.

Драма қаҳрамонлари - оддий одамлар. Умри тракторчиликдан бошқани билмаган Турғуннинг чуқур хўрсиниб, армон билан айтган қуйидаги сўзлари томошабинни бефарқ қолдирмайди: “Биласиз, Қилич ота, ўн йилдан бери трактор ҳайдайман. Қиш демайман, ёз демайман, шу иши деб рулдан тушмайман. Ҳой, Турғунбой аҳволинг қалай, рўзғоринг бутми, қозонинг қайнаяптими, деб сўрайдиган бирорта мардни учратмадим. Нон урсин, учратмадим...На раис, на партком, на бригадири...Фақат:Турғун, базага чоп, Турғун гўнг таши, Турғун пахтага дори сеп, Турғун, ревизорга бир тележка ўт элтиб бер...Турғун, прокурорни иморатига ёшиг ташиб келтир...Турғун начайлик милисанинг томорқасини ағдариб кел...Турғунбой, раиснинг молхонасини тозала.Турғун, у қил, Турғун, бу қил...Берадиган маошига эса битта тирриқ эчки сотиб ололмайман...”. Драма қаҳрамонининг аччиқ бўлса-да, ҳақиқатга йўғрилган аламли гаплари ўша қаттол замоннинг қиёфасини очиб ташлашга хизмат қилади.

Драмада ўша давр воқеалари, руҳи, одамларнинг қиёфасини гавдалантиришда драматург бор маҳоратини кўрсата олган. 55 ёшли колхоз раиси ўзини тутиши, қилиқлари, гаплари билан кўз олдимизга шўро даври раисларини типик қиёфасини намоён эта олган.

Шўро замонида вилоят фирқа қўмитасининг муовинлари, албатта, рус миллатидан бўлишган ва улар бутун вилоятни ҳукмронлик билан ўзлари бошқариб туришган. Шу боис драматург асарга Сафарян Ашот Гаппарович, Якубов Александр Зикирович образларини олиб кирган. Драматург ўша давр руҳини образлар тили орқали тўлиқ ифодалашга муваффақ бўлган. Масалан, шўро даврида ўзбек тилидан кўра рус тилининг обрўйи баланд эди. Шунинг учун зиёфатда сўз берилганда, Сафарян: Маники узбекчани кам-кам билади, деб жавоб беради. Қайсаровда оз бўлса-да, ғурур бор, шунинг учун у: -417-

Ўзбекча денг Ашот ака. Ўз-бек-ча, -деганда, Сафарян: Ну, ладно...Ўз-бек-ча!  
Ўзбекчани билади-ю, язык...(тилини кўрсатиб) Да, да, тил айланмайди”.

Драматург раиснинг нутқи орқали унинг бутун қиёфасини: билимсизлиги, порахўрлиги, маънавий тубан бир кимса эканлигини яққол кўрсатиб бера олган. Амиров (эшилиб): Раҳмат, испасиба, дуруг Сафарян.(елкасига уриб). Сени яхшилигингни унутмайман. Изнаешь, унутсам, кўр бўламан. Ҳа, ислепой бўламан.Сен бўлмасайдинг, ман вообще депутат бўлмасдим.

Ёки раис гап-сўзларида, одамларга муносабатида характер кирралари тўлиқ очила боришини кузатамиз. Сумбула раиснинг ўғли Тўлабой, туман савдо бошқармаси экспедитори Болта Қайсаровларнинг сохта хушомадларига учмайдиган, тўғрисиўз, ҳалол покиза қиз образини гавдалантира олган.

Эпизодик ролларда ўйнаган артистларнинг баъзи ноўхшовлигини, декорациядаги баъзи камчиликларни ҳисобга олмаганда драма ва унинг сахнага қўйилиши анча муваффақиятли чиққан дейиш мумкин. Мазкур драмани томоша қилар экан, томошабин, айниқса, ёшлар мустақиллигимизнинг кадри нечоғли улуғ эканлигини, уни асраб-авайлашимиз, мустақил юртга муносиб инсонлар бўлиб етишиш зарурлигини англаб етади. Драмадан кўзланган мақсад ҳам ана шунда.

Бухорони саждагоҳи, каъбаси, Маккатуллои, қиблагоҳи, Хизрназар маскани деб билган шоир ва адиб, публицист бутун ижодини куйлашга бағишлади. Шоир Бухорони Она Ўзбекистоннинг олтини, гавҳари, Шарк тумори деб билди, шу боис унинг меҳнаткаш халқи ҳаётини, тарихини ўрганишдан, умр бўйи куйлашдан чарчамади. Шоирнинг юртини куйлаган лирик асарлари билан бир қаторда публицистик асарлари ҳам халқ қалбидан жой олганлиги ҳақиқат ва бу асарлар ёшларни Ватанни севишга ўргатиши, ундаши билан аҳамиятини йўқотмайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Шарқ 1998
2. Сафаров О. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. Б.: Дурдона 2015.
3. Сафаров О. Туйғуларда тарих жилоси. Т.: Наврўз. 2013.
4. Тошпўлат Аҳмад. Саждагоҳ. Достонлар. Т.: Муҳаррир 2011.
5. Воҳидов С. Турфа тақдирларга кўзгу достонлар // Китобда: Тошпўлат Аҳмад Саждагоҳ. Достонлар Тошкент. Муҳаррир, 2011.
6. Тошпўлат Аҳмад . Гавҳари жоним. Т.: А. Qodiriy nomidagi nashriyot. 2002. 90-бет.
7. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф . Т.: Ўзбекистон. 2009. 88-бет.
4. Тошпўлат Аҳмад. Саждагоҳ. Достонлар. Т.: Муҳаррир 2011. 112-бет.
6. kx-davron.uz.